

## Мусулмонлар вафот этганларни фақат яхшилик билан эслайдилар



11:50 / 29.09.2024 1529

أَهْنَعُ هَلْ لَأِي ضَرَّةَ شَيْءٍ أَعُنَّ  
هَيْلَعُ هَلْ لَأِي لَصِّبِي بَّنْ لَأِنَع  
أُوبُسَاتِ أَلْ: لَأَقَمَّ لَسَو  
أَوْضُفًا دَقُّمُهُ نِإْفِ، تَأَوْمَ أَلْ

# يُرَاخُ بِلَا هَاوَرٍ . اُوْمٌ دَقَّ اَمَّ يَلِي يَسَّ نَلَاو

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Оламдан ўтганларни ҳақоратламанглар. Чунки улар ўзлари тақдим қилган нарсага етишганлар», дедилар».

*Бухорий ва Насайй ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Вафот этганлар бу дунёда нима қилган бўлсалар, ўшанга яраша жазо ёки мукофотларини олиб ётибдилар. Уларни ҳақоратлаш, ёмонлаш, лаънатлаш яхши эмас. Уларни ёмонлаш, айбларини зикр қилиш залолатга кетган миллатларнинг ишидир. Мусулмонлар вафот этганларни фақат яхшилик билан зикр қиладилар. Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола бўлган кишиларни ҳақоратлашга бандаларнинг ҳаққи йўқ.

هَلَلَا يَلَصَّ يَبِّنَلَا دُنْعَ رَكُّدَو  
ءُوسَبُ كِلَاهَ مَلَسَوِ هِيَلَع  
إِلْإِ مُكَالَهَ اُوْرُكُذَّتْ اَلْ : اَلْ اَقَف  
يَسَّ نَلَاو هَاوَرٍ : رِيَخَب

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида вафот этган одам ёмонлик ила зикр қилинди.

Бас, у зот:

**«Вафот этганларни фақатгина яхшилик билан зикр қилинглари», дедилар».**

*Насий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ҳа, мусулмонлар оламдан ўтганларни фақат яхшилик билан эслайдилар. Ёмонлик билан зикр қилмайдилар. Афсуски, кўп вақтларда бу нарса унутиб қўйилади. Оқибатда шариат таълимотлари бузилади, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига осий бўлинади, вафот этган одамнинг яқинларига озор берилади.

نَع ، هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعَ نُبَا نَع  
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبُّ نَلَا  
نَسَاخَم أَوْرُكُذَا لَأَقَمَّ لَسَو  
نَع أَوْفُكُ وَ مَكَا تَوْم  
يَذِمُّرَّتْ لَأ هَاوْر . مَهِي وَأَسَم  
دُوَادُ وَبَأُو

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Вафот этганларнинг яхшиликларини зикр қилинглари. Уларнинг ёмонликларидан тийилинглари», дедилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шариф олдин келган ҳадислардаги маъноларни

таъкидлаш билан бирга, икки ишни — вафот этганларнинг фақат яхшиликларини зикр қилиш билан ёмонликларини мутлақо зикр қилмасликни жамлаб келмоқда.

Афсуски, мусулмонлар ичида ҳам бошқа милатлардан таъсирланиб, оламдан ўтганлар ҳақида ёмонликларни зикр қилиш, уларни турли йўллар билан ҳақоратлаш жуда кенг тарқалган. Ушбу ҳадисларга амал қилиб, бу ношаръий ишга барҳам бериш лозим. Вафот этган мусулмонларнинг фақат яхшиликларини зикр қилиб, баъзи бир камчиликлари бўлса, улар ҳақида гапиришдан тийилиш лозим.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди***